



СЎЗ ВА СОЗДА  
СЕХРУ МЕХР БОР

4

ИНТЕРНЕТ КИТОБГА  
ТЕНГЛАША  
ОЛАДИ(МИ)?



5



ЎҚИГАН КЕЛИН  
АЙБДОР ЭМАС-КУ!

7

БЕШИК БОЛАСИ —  
БЕК БОЛА



## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Пойтахтимизнинг Миробод туманида фойдаланишга топширилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази туман аҳолиси, айниқса, ёшларнинг сеvimли кўнгилочар масканларидан бирига айланди. Бу албатта, ёшларга қаратилган юксак эътибор намунаси ҳамдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда боланинг қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, уни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.

Янги марказда миллий чолғу ижрочилиги ва жамоалари, рақс, хунармандлик, тикувчилик, ҳамширалик, сартарошлик тўғараклари, ҳаваскорлик театр студиялари очилгани ёшларнинг бундай йўналишларда таълим ва тарбия олишига йўл очади. Спорт секциялари юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176



# КАТТА ДОВОН ҲАЛИ ОЛДИНДА

Тадбир

"Асроржон муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионатида голиб бўлибди", деган қувончли хабарни эшитиб, кўникўшчилар, қадрдонлар Акмал ака ва Оминахон опа Сиддиқовлар хонадонига йиғилишди.

— Бугуннинг ёшлари жуда омадли, — дейди Тошкент вилояти "Қумовул" кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Бектемир маҳалласида истиқомат қилаётган Акмал ака Сиддиқов. — Яхши ўқиши, спорт билан шуғулланиши учун мактабларда барча имкониятлар бор. Ўғил-қизларимиз салгина ҳаракати, изланиши ҳам дарров юзга чиқмоқда. Ёшлигимизда бундай шароитлар биз учун қўл етмас орзудек гап эди.

Акмал ака ҳам, аёли Оминахон опа ҳам жуда болажон. Икки қиз, бир ўғилнинг яхши ўқиши, бўш вақтларини беҳуда кетказмаслиги учун елиб-югуришади. Ота-онанинг тиниб-тинчимаслиги боисми, болалар ҳам жуда тиришқок. Истеъдодлар оилада туғилиб, катта майдонларда ўзини намойён этади, деганлари рост. Ўзи таҳсил олаётган — Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-мактабда муайтай тўғараги ташкил этилганини эшитган Асроржон машгулотларга бориш учун дадасидан рухсат сўради. "Бекор юргандан кўра, яхши-ку, соғлом бўлсан, қатнашавер", деб жавоб берди Акмал ака ҳам. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмай, ўғлига машгулот қопини келтириб берди.

Спорт билан эндигина шуғуллана бошлаган Асроржон учун дадасининг бу рағбати жуда катта далда бўлди. 2014 йилда тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган бир қатор турнирларда қатнашиб, 2-3-ўринларни кўлга киритиб, ўзига ишончи мустаҳкамланди. Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими томонидан Халқаро болалар кўнига бағишланган вилоят очик турнирида 2-ўринни эгаллади.

— Ўзим Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ишлайман, — дейди Асроржоннинг мураббийи Камолитдин Раҳимов. — Мактабимиз раҳбарияти ва

Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида тумандаги 45- ва 52-мактаблар қошида бепул муайтай тўғарақларини ташкил этдик. Машгулотларга жиддий ёндашган Асроржон Рўзалиев тезда яхши натижаларга эриша бошлади. Ўтган йили 2000-2001 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Наманган шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 26 кг. вазн тоифасида голибликни кўлга киритди. Шу йил 7-11 октябрь кунлари Нукус шаҳрида 2001-2002 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 32 кг. вазн тоифасида 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, ушбу чемпионатнинг 57 кг. вазн тоифасида 45-мактабда таҳсил олаётган яна бир шогирдим Сарвар Саидмуратов ҳам голибликка эришди. Абдумалик Жўраев, Жавоҳир Нигматуллаев каби ёшларимизнинг натижалари ҳам қувонарли.

Кичик ютуқлар одамни катта мақсадлар сари етаклайди, деган гап бежиз айтилмаган. "Келажакда хориждаги мусобақаларга борсак асқотади-да", деб, айни кунларда Асроржон инглиз ва рус тилларини астойдил ўрганишга киришган.

— Муайтай тўғарагига қатнашаётганимдан буён ўзимга ишончим мустаҳкамланди, — дейди у. — Иқтидоримизни намойён этишимиз учун юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдалансам, насиб этса, катталар ўртасидаги чемпионатларда ҳам голиб бўлишим мумкин. Турнирлар ва мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Хоразм ва Фарғона вилоятларидан борган тенгқурларим билан танишиб, дўстлашдик. Ўзаро беллашувларимиз ўртамиздаги соғлом рақобатни кучайтиради. Бир кун келиб, мамлакатимиз терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларида голиб бўлиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя

Баркамол авлод



қилишдек эзгу мақсад бизларни бирлаштириб туради.

Уйда тўнғич фарзанд ўзининг изланиши ва ютуқлари билан намуна бўлса, ука-сингиллари ҳам унга эргашадилар. "Энди мен чемпионнинг сингисиман, шу боис янада яхшироқ ўқишим керак", дейди Анора. Жажжи Мавлуда ҳам акиси ва опасига ҳавас қилиб, бўй ростламоқда. Ота-онасининг рағбати билан қалбида улуғ мақсадлар уйғонаётган Асроржоннинг интилишларига қараб, кўнгилда: "Ҳали бу ёшлар халқаро майдонларда ҳам нуфузли ғалабаларга эришади", деган ишонч уйғонади.

Нурилло КЕНЖАБОВ,  
ЎзДЖТИ талабаси.

## ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида"ги Қонуни билан мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари янада такомиллаштирилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юртиш тартиби, назорат, ҳуқуқни му-

ҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қирқдан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ тадбиркорлар фаолиятига аралашувлар янада чекланди. Ҳўжалик юритувчи субъектларда режали текширишлар қисқартирилиши билан бирга, уларнинг даврийлиги аниқлаштирилди.

Фармонга мувофиқ, 2015 йил 1 июлдан бошлаб микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжалиқлари фаолиятига барча режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилдиган бўлди. Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни ўрганишни талаб этмайдиган текширишлар муддати 10 календарь кундан ошмаслиги, молия-ҳўжалик фаолияти назоратида фақат охириги режали текширувдан кейинги давр қамраб

Жараён

олиниши ҳам аниқ белгилаб қўйилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмади ва у жавобгарликдан озод қилинади.

Ҳозирда Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан мазкур фармон ва қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан жойларда мунтазам тарғибот-тушинтириш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, бундай имкониятлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, уларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.

Абдукарим ИШНАЗАРОВ,  
Жиззах вилоят ДСБ  
бошлигининг биринчи  
ўринбосари.

## АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республикамиз миқёсида "Саломатлик сектори" фаолияти ташкил этилди.

Ҳафтанинг 6 кунда, маълум йўналишларда, аҳоли саломатлигини назорат қилиб келаётган ушбу секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳа ходимлари, ҳамшираларнинг аҳоли билан ишлаш жараёнини қулайлаштириш мақсадида амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда соҳа ходимлари фикр алмашиб, ўзаро иш услубларини ўрганишди. Анжуманда вилоятлардаги секторлар фаолиятини ифода этадиган қўлланмалар кўргазмаси ташкил этилди.

— Аҳоли саломатлигини яхшилаш учун патронаж ҳамшираларининг хонадонларга қириб бориши муҳим аҳамиятга эга, — дейди Хоразм вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Рўза Аллаёрова. — Маҳалалардаги "Саломатлик сектори" фаолияти натижасида ҳамширалар оилалар билан мунтазам ишламоқда, натижада аҳолининг тиббий саводхонлиги ошишига эришиляпти. Эрта турмушнинг олдини олиш, ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиб, уларнинг саломатлиги юзасидан маслаҳатлар берилди. Айниқса, турмуш қуриш ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, улар билан суҳбатлар ташкил этилиши ортда соғлом оналарнинг тарбияланишига имкон яратилди. Мана бугун анжуманда вилоятларнинг иш фаолиятлари билан танишмоқдамиз. Амалий натижаларни кузатиб, йўл қўйилган хатоларни, ишмизда тўлдиримиз ва ўзгартиришимиз лозим жиҳатларни кўрдик. Шу билан бирга ҳамшираларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида тажриба алмашилди.


Шундан сўнг, ҳамкор ташкилотлар ва вилоятлардан келган ҳамширалар сўзга чиқиб, "Саломатлик сектори"нинг фаолияти, ундаги муаммо, янгиликлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Электрон тақдиротлар шаклида амалга оширилган анжуманда вилоятларнинг фаолияти таҳлил қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

# САВОБЛИ ИШЛАРИМИЗ КЎПАЙСИН

— дейди Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобил ота СОБИРОВ



Ватан маҳалладан бошланади

Қайси бир оилада юзага келган низои бартараф этишда маҳалла фаоллари ақл билан иш тутмаса, арзимаган баҳона жиддий "бошогрик"қа айланиши тайин. Бу оддий ҳақиқатни Қобил ота яхши билади. Шу боис у киши бошчилик қилаётган пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида бундай муаммолар деярли йўқ ҳисоб.

Қаҳрамонимиз мана 15 йилдики, шу худуднинг "иссиқ-совуғи"га масъул. Раислик қила бошлаган илк йилларда кинолардаги каби "раис бува" бўлмади, аксинча, маҳалла аҳлининг энг яқин қадрони, сирдоши бўлиб иш юритди. Аслида, ҳаётда нони қаттиқ соҳалар кўп. Аммо, маҳалланинг қувонч-ташвишига шерик бўлиш катта меҳнат ва энг муҳими, сабр-иродали бўлмоқни талаб қилади.

— Эл-улус сизни ўзига ишониб бошчи этиб сайладими, ўша кундан бошлаб ҳар бир хонадонни ўзингиз яшаётган тўшадой қадрлашингиз керак, — дейди гурунгимиз аввалида Қобил ота Собиров. — 70 йилдан кўп бўлди, бу жой мен учун ниҳоятда азиз ва муқаррам, негаки, ўзим туғилиб, воёга етганман, деярли кўпчиликни танийман, биламан. Дадма Собиржон ака кўп йиллар мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган, онамиз Саломат ая эса оддий ишчи эди. Иккаласи ҳам ҳар доим маҳалламизда фаол бўлган. Ҳеч эсим-

дан чиқмайди: бир кун отам: "Кўшни кўчада тўй бўлар экан, бориб кам-кўстини сўрайлик, ночорроқ оилага ўхшайди, ёрдам керак бўлса берамиз", дедилар. Онам ҳам тез-тез кўшнилари оғат, ҳовлимиздаги мева ва сабзавотлардан илинарди. Булар жуда оддий, кундалик ишлар бўлиб кўринса-да, лекин аслида ана шундай муносабатларда маҳалла-кўйнинг тотувлиги ақс этади.

Бешқўрғон деган номнинг тарихи ҳам қизиқ. Айтишларича, бир замонлар Сағбон маҳалласидан беш ака-ука ёз пайтлари шу ерга келиб, деҳқончилик қилишган ва уларнинг бешта уй-кўрғони бўлган экан, шу-шу кейинчалик одамлар кўпайиб, катта-конт маҳалла пайдо бўлган дейишади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга моддий ёрдам кўрсатиш, маҳалладаги бемор, ногирон ва қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, ўтказилмаган ҳар бир тўй-маросим ва тадбирларда фуқароларнинг фаоллигини таъминлаш борасида самарали иш олиб бораётган Қобил ота Собировнинг ҳаёт тажрибаси бошқаларга ибратдир.

Яқинда маҳалла фаоллари 75 ёшдан ошган 60 нафар кекса отахон ва онахонларга ёрдам уюштиришди. Эътиборли жиҳати, яраштирув комиссиясининг савобли ишларга бош кўшаётгани кўпчиликка маъқул тушмоқда. Масалан, маҳаллада ажримлар бўйича 5 та ариза тушган бўлса, 3 таси ўша вақтнинг ўзидабёқ ижобий

ҳал этилиб, яраштирилди. Албатта, ҳар бир инсоннинг табиати турлича, бу борада айниқса, ёш келин-куёвларга кўпни кўрган, обрўли оила соҳибларининг тажрибаси кўл келади.

Отдан раҳбарлик салоҳияти, илмига қизиқиши, онадан меҳнатга муҳаббатни ўрганган қаҳрамонимиз Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги академия) да таҳсил олиб, бир неча йиллар давомида мазкур соҳада ҳам фаолият юритган. Умр йўлдоши Карима опа бўлса моҳир тикувчи, меҳрибон она, маслаҳаттўй қайнона, сариштали бека сифатида ҳам обрў қозонган. Ҳар қандай шароитда ҳам оиладаги соғлом муҳитни ота-онанинг ўзлари ўрнатиб бўлсагина сақлаб туриши мумкин.

Уч ўғил, икки қиз, ўн бир неварга, икки эваранинг бобоси бўлишга улгурган Қобил ота фарзандлар тарбиясида танбехдан насиҳатни устун қўйганлиги учун бўлса керакки, энг аввало, ўз оиласида, шунингдек, қадрдон маҳалладошлари орасида обрў-эътибори ҳавас қиларли даражада.

— Ўғилларим Рустам ва Дилшод Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тамомлаган бўлса, Умид Тошкент молия институтида таҳсил олган. Ҳозирги кунда ҳар бири ҳаётда ўз йўли ва ўрнини топиб олишган. Қўзларим Камола ва Нигора ҳам яхши касб эгалари. Болалиқда туғилган кун ёки рағбатга лойиқ иш учун китоб совға қилар эдим. Баъзан хато қилишса, уришмаганман, тушунтирганман, холос. Бу ўзимнинг асабимни сақлашим ва болаларнинг тарбияли бўлиб ўсишига сабаб бўлган.

Бир сўз билан айтганда, Қобил Собиров каби фидойи, жонқуяр инсонлар бор экан, ҳар бир маҳаллада тинч-тотувлик, хотиржамлик, гўзал ҳаёт сурури давом этаверади.

Камола РАХИМХЎЖАЕВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

## ФАРЗАНДИМИЗ ГҮЛ, БИЗ ЭСА БОҒБОН

Эрта тонгдан уйғониб фарзандимиз ухлаган хонага кўз югуртирамиз. Тунгача дарс тайёрлади, яна балогат ёшига ҳам етиб қолган. Ким билсин, кўнглида қандай ўй-истаклар бор: уларнинг қай бирини кўнглини ёриб айта олмаёпти, деган ҳаёлга чўмамиз.

Ўғил бола бўлса, ўз йўриғи бор. Бироқ қиз боланинг иши қийин. Эртаиндин эшик қоқиб келган совчилар, энг аввало, қизни маҳалла-кўйдан, ўқув даргоҳларидан ахлоқ-одоби ҳақида суриштиришади. Яқинда қулғимга чалинганди, навбатда турган аёллардан бири иккинчисига: "Ўтган кун Адибаникига совчилар келишганди, шундоққина дарвоза ёнида тургандим. Кўшни аёллардан иккитаси совчиларни ўртага олиб, қизи ҳақида бўлмағур гаплар айтиб, уларни қайтариб юборишди. Афсуски, мен совчиларни тўхта олмадим. Ханузгача ўзимдан ҳам, маҳалладош аёллардан ҳам нафратланаман. Бундай нохуш ҳолатларнинг илдизи қаерда? Ўйлаб қолсан киши, наҳотки, ёшларни-ку, ёш дермиз, аммо катталар-чи?.."

ФХДЁ бўлимларида келадиган ҳар кунги жуфтликларга қараб, ҳавасинг ортади. Яхшиямки, орамизда икки ёшни бошини бир қилиб, бахтидан сармаст бўлувчилар кўплаб топилади, акс ҳолда... яна билмадим. Бўлимимиз томонидан бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда туманимиздаги Майший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг битирувчи ёшлари билан "Фарзандлар Ватан келажаги" мавзuida давра суҳбати ўтказдик. Давра суҳбатида ёшларнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёрлиги, маънавий етуқлик, оилани асраб-авайлаш борасида ҳам сўз борди.

Шу кунга қадар бўлимимиз томонидан 850 та никоҳ қонуний расмийлаштирилган бўлса, 2001 нафар чақалоқ шунча хонадонларга қувонч бахш этди. Ҳар бир инсонда бир тилак мужассам бўлади. У ҳам бўлса, гудек ўсаётган фарзандларимиз бахти учун барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмайлик!

Шахноза ЗИННАТОВА,  
Бўка тумани ФХДЁ бўлими  
2-тоифали инспектори.

## ЭРКИН, ХОТИРЖАМ ЯШАШ КАФОЛАТИ

Оила ҳаёт абадийлиги ва авлодлар доимийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак наслар учун бектардор тарбия кўрғонидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда барча хайрли ишлар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ёруғ келажаксини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир".

...Фарзандлар улғайгач, уларни уйлантириш ва узатиш ташвишлари бошланади. Бироқ бўлажак келин-куёвларнинг соғлиги ҳақида қайғуришни баъзида унутиб қўямиз. Аслида, маънан, жисмонан соғлом авлоднинг воёга етишида оила қураётган йигит-қизларимизнинг саломатлиги асосий омилдр. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишининг қонуний асослари, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида-

ги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори мавжуд. Оила мустаҳкамлиги, келин-куёвнинг бахтли, туғилажак зурриётнинг соғлом бўлишини ўйлаб никоҳ олдидан келин-куёвни тиббий кўриқдан ўтказиш, бу айримлар ўйлаганидек, "шунчаки гап" эмас. Балки икки ёшнинг янги ҳаётдаги мукамал бахтини белгиловчи омилдр. Турли кўнглисиз воқеаларнинг олдини олиш, соғлом оила ва фарзандлар иқболини ўйлаб жорий этилган бу тадбирнинг келин-куёвга ҳам, уларнинг яқинларига ҳам фақат фойдаси бор. Никоҳланувчи шахслар-

нинг тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий бўлиб, улар давлат соғлиғини сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтадилар. Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади. Тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу масалада ёшларимиз аксарият ҳолларда ота-оналар билан тўғридан-тўғри, очик гаплаша олмайдилар. Шу боис ёш йигит-қизларимиз билимлари етмаганлиги репродуктив селоматлиги борасида тўлиқ маълумотга эга бўлмагани, қолаверса, катталарнинг лоқайдлиги туфайли ўз ҳаётларида католикларга йўл қўядилар. Ачинарлиси эса, эрта ҳомиладорлик ёш онанинг ҳам, фарзанднинг ҳам саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оила

қачонки ФХДЁ органларида расман қайд этилганидан сўнггина юридик мақомага эга бўлади. Лекин шаръий йўл орқали тузилган оила ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Баъзан тиббий текширувсиз, бир-бирларининг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмагандан айрим узоқни кўролмайдиган ота-оналарнинг шошма-шошарлик билан йўл қўйган хатоликлари қимматга тушаётганига гувоҳимиз. Улар ўзлари ва дунёга келажак фарзандларининг соғлиғини хатарга қўйишаётганини эса англашмайди. Салбий оқибатларнинг олдини олиш учун диний идора ходимлари томонидан шаръий никоҳ ўқитишдан аввал уларнинг никоҳ гувоҳномаларини талаб қилишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳам мустаҳкам оилани яратиш ва келажакнинг баркамол эгаларини тарбиялашга хизмат қилади. Оила оstonасида турган ёшларни

Бахт оstonаси

тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида кузатиладиган айрим касалликлар уларда психологик тушқунлик туғдирмаслиги, аксинча, соғлиқни тиклаши учун муҳим босқич бўлиши керак. Никоҳ ҳар бир кишининг келажакини белгилайдиган муҳим ва масъулятли маросим. Унинг қонун-қоидаларига сўзсиз бўйсунуш, ҳаётнинг оғир ва енгли синовларини сабр ва матонат билан енгиш оилавий бахт калити, ҳуқуқий саводхонлик ва тиббий маданиятнинг шаклланиши эркин яшаш ҳамда хотиржамлик гаровидир.

Нодира  
МИРМУҲАМЕДОВА,  
Самарқанд вилояти  
адлия бошқармаси  
Нотариат, ФХДЁ ва  
адвокатура бўлими бош  
маслаҳатчиси.

— Санъат — мисоли денгиз, унда мантиқсиз кўшиқлар худди сув юзасидаги кўпик мисоли бир кўриниш бериб, ғойиб бўлади, энг сара тараоналар эса бебаҳо дурлардек сув остига мустаҳкам ўрнашади ва ўлмас хазинага айланди, — дейди саҳифамиз меҳмони “Гўзаллар ҳам йиғлар эканлар”, “Мени севсанг”, “Асал қизим”, “Кийик” каби кўплаб кўшиқлари билан мухлислар меҳрини қозонган Фарҳод Саидов.

Фарҳод САИДОВ,  
“Сарбон” гуруҳи яккаҳони, созанда ва хонанда:

## СЎЗ ВА СОЗДА СЕҲРУ МЕҲР БОР

— Фарҳод ака, бетакрор болалик йилларингиз ва илк бора кўлингизга соз олган кезлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Отамиз Жўра бобо инженер бўлган, онамиз Хурсаной она бизнинг тарбиямиз билан шугулланган. Болалик йилларимизда шароитлар жуда оғир бўлган. Оилада етти фарзандмиз. Ота-онамиз ҳаммамизни ўқитиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам беришган.

Ёдимда, 4-5 яшар пайтларим эди. Маҳалламизда концерт уюштирдик. Опам рубоб, мен доира чалардим. Концертимизнинг “реклама”сини маҳалладаги асфальт йўлга ёзиб, кераксиз ёғоч ва қоғозлардан кўлимизда мусиқа асбобини ясар эдик. Шу сабабли Моҳира опамни санъатдаги биринчи устозим деб биламан. Ўн ёшимда Азиз акам (таниқли шоир Азиз Саид — К.А.) мени Шермат Ёрматовнинг “Булбулча” болалар ансамблига олиб борган. 1982 йил Глиэр номидаги мусиқа мактабининг рубоб синфиди ўқий бошладим. 1989 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирганман. Талабалгимнинг илк йилларидаёқ “Олтин қалам” гуруҳида ижод қилганман. 1995 йилда “Сарбон” гуруҳини ташкил этдик ва қизгин ижодий жараён бошланди.

— “Сарбон” сўзи йўлбошчи деган маънони аңлатади. Гуруҳ фаолиятини таҳлил этганда, ўз номи билан санъатимизни яхши томонга йўналтиришга хизмат қилаётганингиз янада ойдинлашади. Айтинг-чи, гуруҳ ва яккаҳон бўлиб ишлашнинг қандай фарқлари бор? Умуман, бугунги гуруҳларга муносабатингиз қандай?

— Фарзанд туғилганда, энг аввало, унга исм қўйилади, тўғрими? Бу ном боланинг келажагига қайсидаир даражада бўлса-да, таъсир этади. Гуруҳ тузилганда ҳам унга қўйилган ном келгусидаги фаолиятини белгилаб беради. Масалан, “Бенон” деган гуруҳни олайлик. Бу “номимиз йўқ” деган маънони аңлатади. Уларнинг “ният”и амалга ошди, гуруҳ фаолияти узоққа бормади.

Якка хонандалик фаолияти билан ва гуруҳда ишлаш бир-бириндан фарқ қилади. Чунки гуруҳда тингловчилар фақат хонанданинг ижросига эмас, атрофидидаги созандаларнинг мусиқий маҳоратига ҳам эътиборли бўлишади. Гуруҳ — бу соз ва сўз дегани. Бунда ҳар икки томонга ҳам бирдек маъсулият юкланади. Агар созандалар ва хонанда бир ёқадан бош чиқариб, изланишдан тўхтамас, албатта, эл эътирофига эришади. Масалан, нафақат бизнинг, балки халқро микёсда ҳам миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган “Ялла”ни олайлик. Гуруҳ созанда ва хонандаларнинг ижоди санъат ихлосмандлари томонидан ҳамон кадрланади. Тўғри, у вақтлар гуруҳлар кам эди. Аммо ҳозир санъат майдонига турли номдагила-

ри кириб келмоқда. Афсуски, ёшлар орасида бундай гуруҳлар тузишга энгил-елли қарайдиганлар ҳам бор. Улар уч-тўртта йигит-қиз бирга куйласак, турли либослар кийиб, гуруҳ имижини устида ишласак, шинавандалар эътиборига тушамиз, деб хато ўйлашади. Жонли ижрода куйлай олмаган, соз чалишни, мусиқа илмини билмаган киши хонанда бўлолмайди. Саҳна мардлар майдони, овоз ва соз баҳсида профессионалларгина юксак марраларга эришадилар.

— Ҳозирги кунда сизнинг шоғирдларингиз ҳам катта саҳналарда эътироф этилмоқда. Билим ва малакангиз асосида уларга сабоқ берайсиз. Устоз бўлиб шаклланишгизда хизмати сингган мураббийларингиз ҳақида айтиб ўтсангиз?

— Санъатимизнинг жонкуяр ва фидойилари — Райимжон Шоюнусов, Аскар Дадамухаммедов, Фаррух Мирусмонов, Шермат Ёрматов каби инсонлардан санъатда ҳам, ҳаётда ҳам сув ва ҳаводек зарур бўлган сабоқларни олганман. Ижодкор танилиши учун тан олиниши ва мана шу даражага сақлаб қолиши лозим. Тўғри, санъатда хато ҳам қиламиз, ютуқларга ҳам эришамиз. Лекин ҳеч ким сизга устозингиздай тўғри баҳо беролмайди. Келажақда санъатга ҳиссасини қўшсин, ўсиб келаётган авлодга ўз билиминини берсин деб мени ўқитишди. Халқимиз, давлатимиз олдида менга билдирилган ишонч, берилган билим, яратилган имкониятларга ижодимиз ва муносиб шоғирдлар тайёрлаш билан жавоб беришимиз керак.

Бугун соз ва ижод илмини ўрганаман, деган ёшлар кўп. Уларга баҳоли қудрат йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб келаяпман. Ҳисоблаб кўрсам, ёш созанда ва хонандаларнинг қирқдан зиёди шоғирдларим экан. Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ҳамда хонандалар Феруза Жуманиёзова, Хулқар Абдуллаева каби умидли ёшларнинг ижодига оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман.

— Фарзандлар тарбиясида қандай мезонларга амал қиласиз?

— Оиладаги муҳит, ота-онанинг илмга рағбати, ака-опаларнинг меҳр-эътибори боладаги иқтидорни юзга чиқаради. Ота-она ўғил-қизлари билан кўпроқ гаплашиши, китобларни биргалашиб ўқи, ўзаро муҳокама қилиши, болаларда фикрлаш қобилиятини кучайтириши керак. Компьютер ва қўл телефонларига боғланиб қолмаслиги учун ундан фойдаланишни чеклаган маъқул.

— Телевидение орқали эфирга узатилаётган “Сеҳрли созлар” кўрсатувида бошловчилик иқтидорингизни ҳам намойён этаётганингиз кўпчиликка манзур бўлмоқда. Дастур иштирокчилари турли чолғу асбобларида жон-



ли куй ижро этишади, куйлашади. Умуман, соз ва сўз уйғунлигини қандай баҳолайсиз?

— Яқинда кўрсатувнинг 6-сонини эфирга узатамиз. Унинг бошқа мусиқий кўрсатувлардан фарқли жиҳати, жонли шоу эканлигида. Бунда ҳар бир иштирокчи бирор созда куй ижро этиши, жонли овозда куйлаши шарт. Масалан, кўрсатувнинг бир сониди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суянова қонунда ажойиб куй чалиб берди. У кишининг бундай қобилиятга эга эканини кўпчилик билмаган, ҳатто биз ҳам бу ижродан ҳайратландик. Шу билан бирга хонандаларнинг мусиқий билимларини синаш мақсадида турли саволлар ҳам берилди. Кўрсатувимиз кўшиқчилик ва мусиқанинг савиясини оширишни мақсад қилганлиги билан ажралиб туради. Ижодимда шеърга қараб мусиқа басталашга одатланганман. Чунки сўз кўшиқнинг пойдевори. Бир кунги бастакорлардан бири менга ажойиб куй олиб келди, фақат унинг шеъри йўқ. Бир яхши шоирга мусиқани тинглаб шеър ёзишини сўрадим. Ишонасизми, ёзилган матн шеърга асло жавоб бермайди, уни куйга ҳам солиб бўлмайди. Айрим ёш ижрочиларнинг сўзларини эшитиб, уларнинг ҳатто “оқ шеър”га ҳам арзимаслигини кўраман. Агар ҳар қандай сўз ашула бўлаверганида эди, гўзал шеърлар ва бетакрор кўшиқлар яратилмаган бўларди.

Яхши кўшиқчи созни ҳис қилиши керак. Шунда мусиқа ҳам кўшиқ ижросидаги уйғунлик тингловчи қалбига етиб боради. Мусиқа миллат танламайди. Уни бошқа тилларга ўғириб ўтириш ҳам шарт эмас. Кўплаб ижодий сафарларда бўламан, ҳар бир ижроимдан кейинги олқишлардан хорижлик тингловчиларнинг ҳам самимий фикрларини ҳис этаман. Бир оддий ҳақиқатни тан олиш керак: у ҳам бўлса бизнинг миллий санъатимизга бошқа миллат вакилларининг қизиқиши кучли. Шундай экан, ўзимизнинг бой қадимий меросимиз намуналари бўладими, ёки замонавий эстрада санъатимизга мос кўшиқ-наволарни ҳам чин юракдан, меҳр-муҳаббат билан ижро этиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз керак. Ана шундагина мухлисларнинг ҳам диди ва савияси ўсиб боради, дуч келган маъно-мазмунсиз “кўшиқ”ларни тинглашмайди.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Камола АДАШБОВА  
сўхбатлашди.



**ЧАНГАЛЗОР** — “Чангал”, “панжа”, “тирноқ”, “бир сиқим”, “исканжа” маъноларини аңлатади. “Чангалзор” сўзидаги “чангал” ҳам шу маънодан келиб чиққан бўлиб, у тиканли буталар қопланган дарактзор.

Бир кунги тулкибой чангалзорда овқат кидириб юриб, бир ангишвона топиб олибди.

Эртакдан

**ПОЧТА** — сўзи поляк ва италян тилларидан кириб келган бўлиб, “хабар етказувчи отлик” маъносини аңлатади. Баъзи манбаларда, “почта” сўзи “отларни алмаштирадиган жой” мазмунини ифодалайди, деб кўрсатилган.

Почтага борсам пул билан шу қогозни қўшиб берди.

Саида Зуннуова

**МИСРА** — шеърнинг бир қатори, яъни бир сатри маъносини аңлатади. “Мисра”нинг туб илдиизи араб тилида “эшиқнинг бир табақаси” мазмунини билдирган. Дарҳақиқат, бир байтнинг икки табақали эшиқ деб тасаввур қилсак, унинг бир мисраси битта табақани ташкил этади.

Алишер Навоийнинг ҳар бир мисраси теран маъно ва бетакрор ташбехларни ўзига жо қилган.

Газетадан

**МАЪМУРИЯТ** — муассаса, корхона, ташкилот кабиларнинг бошқармаси. Қизиги шундаки, “маъмурият” сўзининг туб илдиизи “маъмур” — “обод бўлди” мазмунини билдирган.

Театр маъмурияти таниқли ёзувчилар ва драматургларни тўплаб, яхши асарлар нечоғли зарурлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

Газетадан


**ОБРЎЙ** — “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “обрўй” сўзидаги “об” — “иззат-ҳурмат”, “рўй” — “юз” маъносини билдиради. Шу ўринда яна бир фарз борки, “обрўй” сўзидаги “об” — “сув”, “рўй” — “юз”, яъни “юз суви” маъносиди келиши мумкин. Чунки, халқимизда “Бетининг суви борми?” деган ибора бор. Ушбу ибора “обрўй” сўзининг айна мазмунига ҳамоҳанг келади.

Ахир, менинг ҳам ўзимга яраша обрўйим бор: Тошкентда кимсан — Юсуфбек ҳожининг кўчиман.

Абдулла Қодирий

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

Баъзилар инсоннинг маънавий дунёсини бойитишда унга ёрдам берадиган асосий восита китоб эканини таъкидласа, бошқалар замон билан бирга қадам ташлашда, янгиликлардан тезкор хабардор бўлишда интернет, замонавий алоқа воситалари қулайроқ эканини айтади. Буларнинг қай бири биз учун маъқулроқ? Бу борада билдирилган фикрлар ёшларнинг маънавий дунёсига, ўй-хаёлларига қай даражада тўғри келади?



## ИНТЕРНЕТ КИТОБГА ТЕНГЛАША ОЛАДИ(МИ)?

**Шахноза Тўйчиева,**  
филология фанлари номзоди,  
доцент:

— Япониялик олимлар бир ташкilotда тадқиқот ўтказишган. Унга кўра, ишхонага кириб келаётган ҳар бир ходим ҳамкасбининг ёнидан индамай ўтиб кетиб, ўз иш столи ёнига борганидан кейингина компьютерини ёқди ва интернет орқали бир-бирлари билан сўрашиб, “салом” деган хабарни юбордилар. Утказилган мана шу тадқиқот натижасидан ҳам кўриниб турибдики, кўплар интернетсиз бирон ишни қила олмайди деган бўлишган. Танганинг иккинчи томони бўлади, дейилганидек, интернетни биз тўлиқ ёмон деб айта олмаймиз. Ундан ўзимиз учун кераклик маълумотларнинг электрон нусхасини топиб ўқишимиз мумкин. Лекин, мен ҳам филолог, педагог, ҳам она сифатида интернетдан кўра, китобнинг ўзини олиб ўқишни афзал кўраман ва фарзандларимга ҳам шунини ўргатаман. Интернетдан бир кунда узоғи билан икки соатдан ортиқ фойдаланиш соғлиқ учун зарар. Бу ўз навбатида, ҳам жисмонан, ҳам ақлан заифлашишга олиб келади. Турли хил тармоқлардаги ёзишмаларни ўқисак, жаргон сўзларнинг кетма-кет қўлланилиши, ҳарфларнинг ўрнига смайликлардан фойдаланган ҳолда бир-бирлари билан хабарлашганлари баъзи ёшларнинг билим савияси пасайиб кетганини кўрсатиб кўядиган ачинарли мисолдир.

Бугунги кунда ёшлар учун нашриётлар томонидан чоп этиб келинаётган китобларнинг тури кўп. Масалан, 100 та энг яхши роман, 100 та энг яхши ёзувчиларни айтиш ўринли. Ёшларга биринчи навбатда, адибларнинг ўзи ҳақидаги, у Бальзак бўлади, Толстой ёки Чўлпонми, ҳаёти ва ижодини ўрганишларини тавсия қилган бўлардим.

**Улугбек ХАМДАМ,**  
таржимон ва адабиётшунос:

— Аввало, тарбияда бола камолга етгунга қадар ота-она фарзандларига уларнинг ёшига мос китоблар танлаб, ўқиб беришлари, эртақлар айтиб, дунёқароши бойишида туртки бўлишлари лозим. Кейин эса болалари мустақил ўқий бошлаганларида қизиқарли китоблар харид қилиб бериб, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш мақсада мувофиқдир. Шахсан ўзим ҳам оталик вазифамни ҳис этган ҳолда, ўғил ва қизимга у ёки бу китобни ўқишга бериб, сўнг улардан фикрларини сўраб оламан. Боланинг китоб ўқишга қизиқшини уйғотишнинг самарали усулларида яна бири уларнинг қўлидан етаклаб китоб дўконларига олиб бориш ва болалар ҳаётига оид китобларни кўпроқ тавсия қилиш керак, деб ўйлайман.

Мутолаа қилаётган китобдан ҳар доим ҳам тўғри адабиётни танлайвермайди, айниқса, бугунги кунда. Шунинг учун оиладагилар ёшларни қандай китоб ўқийётгани, унинг ичидаги мазмуни нималардан иборат эканини назорат қилиб туриши фойдаланган ҳоли бўлмайди. Маълумотларга кўра, республика нашриётлари томонидан ҳар йили 3,0 минг номдан зиёд, умумий адади 45 млн. нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилади. Эллиқдан ортиқ нашриёт болаларга бағишланган ноширлик маҳсулотларини чоп этиб келаётгани ҳам қувонарли ҳол. Бундан ташқари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази томонидан “Камолот” кутубхонаси” рункида 2013-2015 йиллар давомида ёшларнинг дунёқарошини бойитишга қаратилган ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вакилларининг 70 тага яқин асарлари нашрдан чиқарилмоқда. “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилаётган китоблар барча шахар ва туман мар-

## Мулоҳаза

казларида кенг сотувга қўйилаётгани ҳам ёшларнинг билимли бўлишларига замин яратади.

**Ҳамида Усмонова,**  
ЎзДЖТУ талабаси:

— Ўқитувчимиз дарсларга кўшимча тарзда турли адабиётларни ўқишни ва рефератлар тайёрлашни топшириқ сифатида беради. Баъзан ана шу вазифани бажариш учун дугоналарим билан кутубхонага борсак, аксарият ҳолларда баъзи бир маълумотларни китобдан излаб топа олмагач, кўп вақт йўқотмайлик, деб интернет тармоғидан излашга киришамиз. Бундан ташқари, қидираётган маълумотимиз битта китобда тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Глобал тармоқдан мақсадли фойдаланиш “Ахборот асри”-да жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан имкон қадар тезроқ хабардор бўлиш имкониятидир. Глобал тармоқ ҳаётнинг янгича йўналиши эмас, балки машғулотнинг бир турига айланиб бўлди. Масофавий таълим ютуқларини, ижобий томонларини тенгдошларимизнинг бугунги кундаги фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин. “Вақт бизнинг энг арзон ва айна вақтда, энг қимматбахомулкимиз, чунки у туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз”, деган эди машҳур файласуф Я.Райнис.

Демак, инсон бўш вақтида қандай машғулот билан банд бўлишидан қатъи назар, авваламбор, унинг қадрини англаб, фойдасини ўйлаб иш тутиши лозим. Зеро, миллионлаб одамларга жуда катта қулайлик ҳамда имконият яратиб бераётган интернет ноўрин фойдаланувчилар учун маънавий зарардан бошқа хусусиятга эга эмас.

**Зебо Ахророва,**  
психолог:

— Ёшлар жуда қизиқувчан бўлгани боис, кўп ҳолларда, улар интернетдан маърифатни бойитиш учунгина эмас, балки, инсон маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи баъзи бир ёмон ижтимоий сайтларга ҳам кириб кўришга мойил бўладилар. Ўзим ҳам дарсга кирганимда кўп кузатаман, талабалар ҳатто имтиҳон пайтида ҳам ўзларига берилган саволга жавобни интернетдан излашга уринадилар. Бундай ҳолатларда уларга қўл телефонидан фойдаланишларини маълум вақтга, яъни имтиҳон якунига қадар фойдаланишларини чегаралаб қўямиз. Чунки, борди-ю талабалар интернетдан саволларга жавоб топишга уринсалар, биринчидан, бу уларнинг саводсиз бўлиб қолишига олиб келса, иккинчи томондан эса, турли хил ижтимоий сайтлардаги шарм-ҳаёга тўғри келмайдиган, реклама тарзида жойлаштириб чиқилган фотосуратларни кўриш натижасида ёшлардаги ҳаёл тарқоқлиги ҳолати юзага келиши мумкин. Интернетнинг яхши томондан кўра, салбий жиҳатлари кучлироқ. Автобус, метро ва ҳаттоки, серкатнов машина йўлларига ҳам ёшларнинг қўлида телефонига тикилганча, ён-атрофга қарамай кетаётганини кўп кузатаман. Бу уларнинг китоб ўқишдан кўра, интернетга тобе-қарам бўлиб қолаётганини билдиради.

**Ширинхон Мўминова,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## Кўтлов



## ЖОНКУЯР ИНСОН

**Абдулла Холбеков кўп йиллар халқ таълими вазириликда фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида фаол иштирок этиб, ёшларимизнинг баркамол ва билимли бўлиб вояга етишлари йўлида фидойилик кўрсатган инсонлардан бири.**

Қаҳрамонимизнинг кейинги фаолияти эса “етти хазинанинг бири” саналган паррандчилик соҳаси билан боғлиқ кечаётгани ибратлидир. Мамлакатимизда озиқ-овқат барқарорлигини таъминлашда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис у ўзининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганлиги ҳам қувонарли. Халқимиз дастурхонининг мўл-қўллиги, аҳолининг парҳезоб парранда маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида минглаб тадбиркорлик субъектлари астойдил фаолият юритмоқдаки, улар орасида Абдулла Холбеков хизмат қилаётган “Паррандасаноат” уюшмасининг ҳам муносиб, муҳим ўрни бор. Мазкур соҳа тараққиётида у сингари фидойи инсонлар бор экан, шубҳасиз, бу тармоқда ютук ва муваффақиятлар сони ошиб бораверади.

Яна бир эътиборли ва кўнгилни осмон қадар юксалтиргувчи жиҳатлардан бири, шу кунларда Абдулла ака ўзининг 60 ёшлик таваллуд айёмини нишонлаётди.

**Абдулла Аҳмедович!**

Муборак 60 ёшингиз билан самимий кўтлар эканмиз, сизга Яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Аҳил ва тотув хонадонингиз ҳамда фарзанду невараларингиз меҳри ва ардоғида яшашдек ажиб толе сизни ҳеч қачон тарқ этмасин.

**Эҳтиром билан  
“ПАРРАНДАСАНОАТ”  
уюшмаси жамоаси.**

Реклама ўрнида

РЕКЛАМА

## АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

қўйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

**АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати)** — Турли яллиғланиш хасталиқларини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиқларни аниқлаш; ҳомилдорликни аниқлаш.

**ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (уролог-андролог хизмати)** — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

**ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАХЛИЛЛАРИ** — қондаги биохимик тахлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар тахлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш тахлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

**УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).**

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилов кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

Хизматлар лицензияланган

**Ҳурматли Дилфуза  
ИБРАГИМОВА!**

Табаррук 60 ёшингиз муборак бўлсин! Азиз бошингиз ҳамиша омон бўлишини тилаймиз!

**Ҳамкасбларингиз  
Гўзал, Марғуба, Назокат.**

Беташвишдек туюлган йигирма беш ёшлардаги бу йигитни тахририятимиз йўлагига кўриб аввалига эътибор бермадим.

— Опа, сиз билан гаплашсам бўладими? — деб сўради у андишали оҳангда.



## ЎҚИГАН КЕЛИН АЙБДОР ЭМАС-КУ!

Уни ичкарига таклиф этдим. “Исмим Элдор, якка тартибдаги тадбиркорман. Анчадан бери мени бир муаммо қўйнапти. Шунга газета саҳифаларида чоп этсангиз, деб келгандим”, деди у. Унинг гапларини тингларканман, “Бугуннинг ёшлари анчайин ҳавойи, оғирнинг устида, енгилнинг остида юришади”, деган гапнинг мутлақо аксини кўриб турардим. Чунки у бугун кўпчилик ота-оналарни қўйнаётган “дил тубида, тил учидан” турган муаммога ечим топиш йўллари излаётганди.

### ЭЛДОРНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Уйда ёлғиз ўғилман. Иккита синглим бор. Ота-онам зиёли одамлар. Бизга болагимизданок ҳалол бўлишни ўқитишган. Жуда қимматбахо кийимлар, ҳар хил мобил телефонлар олиб беришмаган бўлса ҳам ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга, меҳнаткаш бўлиб ўсишимизга ҳаракат қилишди. Уч фарзанд кетма-кет вояга етдик. Мен ҳисобчи-иктисодчилик йўналиши бўйича коллежни тамомладим. Сингилларим олий маълумотли бўлишсин, ўзим кейин ҳам ўқиб олавераман, деган мақсадда коллежни тамомлагач, бизнес режа тузиб, иш бошладим. Иккала синглим ҳам кетма-кет институтга киришди. Каттаси 2-босқичга ўтганида уйимизга совчилар кела бошлади. Энг қизиғи, уларнинг барчаси: “Олий маълумотли қиз излаётгандик”, деб эшик қоқшар, синглимнинг шартнома асосида ўқиётганини эшитган, негадир яна қайтиб келишмасди. Сарвиноз 3-курсда ўқиётган пайти бир йигит уни ёқтириб қолибди. Синглим ота-онам ва акамнинг руҳсатисиз бирор нарса дея олмайман. Ниятингиз жиддий бўлса, улар билан гаплашган, деганидан сўнг совчилар уйимизга келди.

— Қизни кўрдик, бизга маъқул, — деди онаси. — Фақат шу, нима десам экан, институтини тугатишга яна бир йил бор экан-да. Тўйни ўтказаверамизу, лекин ўқининг контракт пулини кейинги йили ҳам ўзларингиз тўлаб берасизлар-да. Ўғлимизни ўқитиб олгунимизча она сутимиз озимизга келган. Энди келинни ҳам ўқитамиз, деб қўйналиб ўтирмайлик тагин.

Йигит ота-онамга маъқул келди. Ўзаро маслаҳатлашиб, кудаларнинг шартига рози бўлишди. Тўйни бир ойдан кейин ўтказишга келишиб олдик. Йигитнинг опаси бир кун мен билан кўришиб, “Ука, сингилни ўқитяпмиз, деб тагин мебелнинг

арзон-гаровини олиб юрманлар, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиши керак”, деб тайинлаб кетди. Тўғриси айтсам, шу гапдан кейин бироз кўнглим ғаш тортиди. У айтмасам ҳам синглим учун энг яхши нарсаларни олиб беришга қўрбимиз етарди. Бу ҳақда ота-онамга индамай қўя қолдим. Тўйга бир ҳафта қолганида холамлар бориб, синглим тушадиган уйни безатиб келишган, кечки пайт кўвнинг опаси кўнгирак қилиб, “Гилламингизнинг ранги хонага ўтиришмабди, бошқасига алмаштириб беринглар”, деса бўладими. Жаҳлим чиқиб кетди. Ҳозирок бориб, фотихани бузаман, бу молпараст кудаларингиз ҳали Сарвинозни ҳам роса қўйнашади, деб қасдланганимда, онам: “Кўявер болам, илгари қизи борнинг нози бор, дейишарди. Энди ўғил туққан нима деса шу бўлапти-да”, деб қулиб қўйди. Холам эса: “Жиян, энди бошланган ишни тўхтатолмайсан. Дўст-душман орасида: “Қизини эглаб узатолмади”, деган гап чикмасин яна”, деб йўлимни тўсди. Гилламини алмаштириб келдик...

Тўй чиройли ўтди. Ҳам ўқишни, ҳам келинлик вазифаларини эглаётган, қайнота-қайнонасининг хизматини киприк қоқмай адо этаётган синглим бечора кундан-кунга озиб-тўзиб борарди. Бирор ишга улгуролмай қолса, қайнонаси: “Эпласангиз ўқинг, қизим, бўлмаса нима қиласиз бизниям, ўзингизиям қўйнаб”, деб унга маломат қиларкан. Бундай дақиқ-дашномлар Сарвинозни анчайин эзиб қўйганди. Ота-онамга дардини сездирмаса ҳам ёлғиз қолганимизда йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб тургандек туюларди менга. Чунки икки синглимга ҳам ҳар доим ўзим суянчиқ бўлгандим. Шартнома пулини ҳам, ҳатто ўқишга бориб-келиши учун майда-чўйда харажатларини ҳам ўзим кўтараман. “Нима камчилигинг бўлса, сиқилиб ўтирма, менга айтгин”, дейман. Қайнонаси ҳатто стипендиясини ҳам ҳисоб-китоб қилиб, санаб оларкан. Онам шўрлик: “Узатишга озгина шошибман-да”, деб йиғлайди. Отамнинг дарди ичиди. Синглимга эса яна озгина сабр қилсанг, ўқишни тамомлаб, ишга кириб оласан, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасан, деб далда берамиз. Аммо рўзгор ишларидан ортмайди. Вақтида дарсга боришга улгуролмайди. Охири чидалмадим, бир кунни қудамизни йўқлаб бориб: “Ҳамма харажатларини ўзимиз кўтараяпмиз, сиз уйда дарс тайёрлашга, эрталаб вақтида сабоқларига етиб боришга шартот яра-

### Буни ҳаёт дейдилар

тиб берсангиз бўлди”, десам, “Олий маълумотли келин олиб, маошини қарсиллатиб санаб ўтиришни ният қилгандим, агар талабанинг турган-битгани ташвиш эканини билганимда, ўла қолсам синглингизни ўғлимга олиб бермасдим”, деса бўладими.

Кўнглим оғриди. “Ўқиган қизни излаб юргандик”, деганида онам: “Келажақда туғиладиган невараларининг тақдирини ўйлайдиган одамлар экан. Зиёли онанинг фарзандлари ҳам ақли бўлади-да, булар қизимизнинг қадрига етадиган одамлар”, деб хурсанд бўлганди. Аммо қудамизнинг нияти бошқача бўлиб чиқди. “Иккита ўқимаган келинни олиб оғзим куйган. Эртадан кечгача бекор ўтириб, болаларимнинг топангани еб-ичишади. Олий маълумотли қизни тушириб келсам, ҳар ойда маошини келтириб берса, бир йилда анча-мунча пуллик бўлиб қоламан, деб Сарвинозни келин қилганман”, дейди андишасизларча...

Кўевимиз: “Ака, сабр қилинг, онам инсофга келиб қолар”, дейишдан нарига ўтолмайди. Ўқишга вақтида бориб келолмаётган синглим бу аҳволда эртага қандай мутахассис бўлиб етишади? Наҳотки, ота-онамнинг шунча йиллик меҳнати, заҳмати чиппака чиқса?..

У ёғини сўрасангиз, талабалик пайтида турмушга чиқиб, қўйналаётган бир менинг синглим эмас экан. Яқинда шу мавзуда гап очилганда онасининг қистови билан талаба қизга уйланган дўстларимдан бири: “Ўтган йили қайнотам шартнома пулини тўлади. Хотиним бу йил охириги курсда ўқияпти. Энди ўзимиз ҳаракат қилайлик, десам онам рози бўлмапти. Қайнота-қайнонам: “Диплом олса, ишлаган пулини сизларга беради-ку, ҳеч бўлмаса, ярмига ёрдам қилинлар”, деб илтимос қилишади. Онам эса: “Уддалаб ўқитолмасангиз, қизим олий маълумотли бўлади, деб чиранмаслигингиз керак эди. Қизингиз на ўқишни, на уй ишларини эглаяпти, бирортасига улгуролмаяпти-ку”, деб ёзғиришини қўймайди. Уйимизда ҳар кун жанжал. Икки ўртада жуда қўйналиб кетдим. Аччиқ устида хотинимга бақираман. У эса йиғидан аламини олади. Бунинг устига ҳомилидор. Бу жанжаларимиз туғилажак боламизга таъсир қилмасайди, деб кўрқиб кетаман, баъзан. Шу кунларда хотинимнинг ўқишдан ҳам кўнгли совиган. Нима қиларимни билмай юрибман”, деб нолиб қолди.

Шулар ҳақида сизлар билан суҳбатлашиш учун тахририятга отланиб юрган кунларимда иккинчи синглим, 3-курсда ўқиётган Шоирани ҳам совчилар сўраб келишди. Улар ҳам институтда ўқиётган қизни келин қилишмоқчи экан. Онам Шоиранинг шартнома асосида таҳсил олаётганини айтди. Бу гапни эшитиб, совчилар қайтиб кетса керак, деб ўйлагандик, аммо: “Майли, шунча пайт сизлар ўқитибсиз, бу ёғига ўзимиз ҳаракат қиламиз”, дейишганида ҳайрон бўлиб қолдим. Энг қизиғи, бу одамлар: “Уйимизда ҳамма нарсамиз етарли, эсли-хушли, ўқимашли қизингизни бизга беришингизнинг ўзи катта гап, ортиқча харажатларга уринманг, эр-хотин ишлаб, орзу-ҳавас қилиб, уйини тўлдирса, нарсаларнинг қадрига етадиган бўлади”, дейишяпти.

Озги куйган одам, қаттиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, ота-онам совчиларни обдон суриштиришди. Маълум бўлишча, йигитнинг ота-онаси иккита келин туширган, иккаласини ҳам институтда ўқитиб, олий маълумот олиши учун шартот яратиб беришган экан.

Тўғри, ҳали ота-онам Шоиранинг ҳаёти борасида бир қарорга келишмади, аммо шундай кенг феълли, мулоҳазали одамларнинг борлигидан кўнгли ёришди. Илтимос, ушбу сўзларимни газета саҳифаларида чоп этсангиз, ажабмаса, уни ўқиб, одамлар ўзлари учун бир ибрат олсалар.

Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА.



### 18 ЁШГА ЕТСИН...

Ўғлим эндигина 17 ёшга кирди. Номимдаги машинами унга расмийлаштирсам бўладими, ёки ижарага берсаммикан?  
К. Одилов.

— Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувоҳномага ва автототранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: “Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг руҳсатисиз автототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқланади” ёзуви киритилади.

Бундан ташқари, автототранспорт воситаларини ижарага беришни расмийлаштириш учун тарафларнинг, солиқ тўловчининг ИИНСИ ҳақидаги маълумотномаси ҳам шартномада кўрсатилиши керак.

Саволга Қуйчирчиқ тумани ДНИ нотариуси Режавали СОТВОЛДИЕВ жавоб берди.

### СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИНГ

Олий маълумотлиман, мен ишлаётган корхона айрим сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатди. Айти пайтда бекорман, ишга кириш учун бир нечта идораларга учрашдим. Лекин ҳомилидорлигимни рўқач қилишиб, ишга олишмаяпти. Бундай ҳолатда қандай йўл тутушим лозим?

Ш.Набиева.

— Меҳнат кодексининг 224-моддасига асосан, ҳомилидорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини қамайтириш тақиқланади. Ҳомилидор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Саволларга Касби тумани ФХДБ бўлими мудири Н.УМАРОВА жавоб берди.

# БЕШИК БОЛАСИ — БЕК БОЛА

— Уйимизда енгил ва қулай бир бешик бор, — дейди уста Умиджон Сайфиев. — Хонадонимизда туғилган чақалоқлар эл-юрт қорига ярайдиган фарзанд бўлсин, дея умид билан шу бешикка беланади. Миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб намунаси бўлган бу жиҳознинг нақадар пухта ишланганига, ҳалқимизнинг изланувчанлигига қойил қоламан...

14 ёшидан бошлаб ота-боларидан мерос — бешикчиликка меҳр кўйган жиҳазчилик Умиджон Сайфиев бугун бу соҳадаги анъаналарни давом эттириб келаётган кўли гул усталардан. У дастлаб отаси Салимжон Сайфиев, амакиси Алижон Сайфиев ва Кўчқор Қозоқовдан ушбу ҳунар сирларини пухта ўзлаштириб, бешик, эшик, дераза, хонтахта, сандиқ ва бошқа хўжалик жиҳозлари ясашни ўрганди. 2013 йилда “Хунарманд” уюшмасининг Жиҳазчилик вилояти бўлимига аъзо бўлиб, ўзи мустақил иш юрита бошлади. Ҳозирда укаси Дилшод Сайфиев, ўғиллари Азизбек ва Асадбек Салимжоновларга ҳам бешик ясаш сирларини ўргатмоқда.

Чоғроққона устахонада эртаю кеч иш қизгин. Димоққа ёғоч ва бўёқ ҳиди урилади. Бир томонда Умиджон ака тахтага ишлов бераётган. Яна бир йитга тайёр бешикларга кун билан гул туширмоқда. Халқимиз орасида азалдан



бешикчи усталарнинг қадрлари баланд. Хунарманднинг меҳнати харидорлар томонидан аjoyиб бир тарзда рағбатлантирилган: яъни, бешик савдолашилмасдан, сотувчи айтган нарҳда харид қилинган. Бу билан устанинг инсофи ва виждонига ишонч изҳор этилган. Умиджон Сайфиев ҳам ўтган бешикчилар йўлини тутиб, бобомерос ҳунарни асраб-авайлаб эртанги авлодга етказиш йўлида ҳаракат қилаётган.

Юртимизда бешикчиларнинг Тошкент, Марғилон, Қўқон, Андижон, Наманган, Хива, Гиждувон, Сурхондарё, Самарқанд-Жиҳазчилик услубида ясалган ўнлаб тури бор. Жиҳазчилик услубидаги бешиклар гўдакнинг кўзи турли рангларга, табиатга, гўзалликка ўрганиши учун ёрқин рангларда безатилади. Ранглар воситасида ҳаётни ижобий таассуротлар билан идрок этиши

учун жажжи қалбда илк куртаклар ундирилади.

— Отамерос ҳунарни давом эттириб келаётганимдан хурсандман, — дейди Умиджон Сайфиев. — Отам иш давомида ёғоч ва бўёққа алоҳида эътибор қаратарди. Бешик мустаҳкам ёғоч ва асл бўёқлардан тайёрланса, бола саломатлигини мутаҳкамлайди. Мустаҳкам битта бешикда ўнлаб болалар улғаяди. Узоқ йиллик тажрибадан маълумки тут, ўрик ва тол ёғочларидан ясалган бешиклар бола организми учун жуда фойдалидир. Меваги дарахтдан тайёрланган бешикда ётган бола серфарзанд бўлади, ўзидан кўпаяди, дейди момоларимиз. Толбешик эса енгиллиги билан ажралиб туради. Иш жараёнида аввал катта ёғочларни, тол ёғочларни, тол ёғочларини махсус ўлчамларда кесиб тайёрлаймиз Кейин

ёғоч куртакларини йўқотиш учун нами қолмагунча махсус хонада қуритамиз. Сўнг ранда-лаб ишлов берилади. Ҳамма ўзига тегишли ишни бажаради. Мен асосан ёғочга ишлов бераман. Шу тариқа ойда йиғирма беш-ўттизта бешикни қўлдан чиқарамиз.

Чақалоқнинг ўз вақтида ором олиши, озиқланиши, жисмоний ва ақлий ривожланиши жуда муҳим. Боланинг ўсиб-ўлғайишида бешик жуда фойдали бўлиб, чақалоқни турли ташқи таъсирлардан ҳимоялашда ёрдам беради.

— Айрим чет элликлар айтганидек, бешик чақалоқни сиқиб қўядиган, ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган нарса эмас, — дейди пойтахтимиздаги 59-оилавий поликлиниканинг болалар шифокори Дилмурод Каримов. — Унда бола жуда қулай, ҳатто хавфсиз ором олади. Умуртқа поғонаси, нафас олиш органлари, оёқ-қўл ривожланишида бешикнинг хизмати беқиёс. Меъёрга амал қилинса бўлди. Яна бир гап. Чақалоқ бошининг ботиқ бўлиб қолиши ва оёқлардаги нуқсонлар бешикнинг таъсирида эмас, балки она ва бола организмида витаминлар етишмаслиги ва гўдакни нотўғри парваришлаш оқибатида юзага келади.

Ҳа, халқимизнинг азалдан соғлом бола, соғлом авлод тарбиясига нақадар жиддий эътибор бергани, эртанги кун

## Қадрият

учун қаттиқ қайғургани шу биргина бешикни ўйлаб топиб, асрлар оша асраб келадиганидан ҳам маълум.

— Фарзанд ва неваралар тарбиялаб, бешикнинг аёл ишини икки ҳисса енгиллаштиришига амин бўлганман, — дейди Бахмал туманидаги Новқа қишлоғидан Ҳосият момо. — Ундан ташқари беланчақ ёки ерда эркин ётган болани тинчлантириш осон кечмайди. Беланчақ бола бир қимирлаб, ёки ташқи таъсирдан теъза уйғониб кетади. Тинчи бузилиб йиғлай бошлайди. Онасига дам бермайди. Бешикдаги бола тинч ором олади. Онасини безовта қилавермайди. Аллага қулқ солади. Бора-бора аллаларни жим тинглайдиган, ёпинчликни секин очсангиз сизга қулай боқадиган бўлади.

Ҳа, асрлар оша етиб келган ноёб қурилма — бешик неча авлодди, хусусан не-не буюк боболаримизни, момоларимизни улғайтирган. Ўз қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган бешик яна минг йиллар давомида соғлом авлодни вояга етказиши шубҳасиз. Бу йўлда Умиджон ака сингари кўли гул усталарнинг фидойи меҳнатлари ҳамиша муҳим бўлиб қолаверади.

Абдусалом ҚўШБОҚОВ,  
Бахмал тумани,  
Новқа қишлоғи.

## ҲАЁТ ЧОРРАҲАСИ

— Дада, сиз яқинда ўласизми? — қўтилмаганда 6 яшар Мика отасини сўроққа тутди.

— Йўқ, йўқ, ўғлим, ундай эмас. Мен ҳали узоқ яшайман. Сизларни ҳеч қачон ташлаб кетмайман, болам!

Ота узоқ вақт сукут сақлаб турдида, кейин йиғлаб юборди.

— Ё Художоним, мени ҳали ўлгим келмаяпти, яшагим келаяпти...

Германия тил маркази Тошкент Гёте институти томонидан “Немис кино ҳафталиги” доирасида ўзбек кино ихлосмандлари ҳужмига олмон халқининг дунёга машҳур кино асарлари ҳавола этилган. “Halt auf freier Strecke” (“Пойгада тўхташ”) ана шундай кишини ҳаёт ва тақдир ҳақида чуқур ўйга толдирадиган ҳаётий фильм бўлган сабаб тез-тез ўшани эслаб тураман. Фильм 2011 йили Германияда намойиш этилган бўлиб, шу йилнинг ўзида нуфузли Канн кинофестивалида “Энг яхши фильм”, “Энг яхши режиссура”, “Энг яхши эркак роли” номинацияларига лойиқ қўрилган. Бу асар жаҳон санъатшунослари томонидан илиқ қўлиб олинган, ўзбек томошабинларининг ҳам катта қизиқишига сабаб бўлган.

...Ҳаёт мисоли узун адоқсиз йўл. Унинг баъзида қувончли, баъзида эса оғриқли дамлари бисёр. Тақдир йўлларида қийинчиликларни енгиб, минг бир машаққат билан меҳнат қилиб яшайсиз, сеvimли инсонни учратиш турмуш қурасиз, кейин шириндан-шакар фарзандларингиз туғилади. Оилангиз, шинамгина уйингизда бахтли ҳаёт кечириб, энди ҳузур-ҳаловат топдим деганда, тўсатдан бир

неча ой умрингиз қолгани ҳақида маълум қилишади. Тақдир зарбаси ва Аллоҳнинг иродаси нега бунчалар шафқатсиз?.. Тўсатдан шаккоқликка бериласиз: ҳаммаси ўтқинчи, ҳаёт — борлик, ўлим эса йўқликдан иборатдай гўё. Сиз эса ана шу икки чорраҳанинг қоқ марказида турибсиз. Гўё вақт тўхтагану, қолган ҳамма нарса қадрсиз ва бир пулга қимматдек туюлади.

“Halt auf freier Strecke” ана шундай замонавий талқиндаги руҳий фильм бўлиб, унда ўткинчи ҳаёт фалсафаси, ўлим билан ёнма-ён келганда инсонда учрайдиган ҳиссиётлар, яшава бўлган чексиз муҳаббат, яқин инсонларингиздан айрилиш қўрқуви актёрлар томонидан маҳорат билан ижро этилган. Психологик талқиндаги фильм қаҳрамони Франк жуда меҳнатқаш, аjoyиб инсон, меҳрибон ота. Бахтли оила ўзлари хоҳлаган, ойнаси қуёшга қараган уйни яқиндагина сотиб олишган. Бироқ қўтилмаган дард бу хонадонга улкан балоларни ёғдирди. Франкнинг эса ҳали ҳаётда орзулари, мақсадлари жуда кўп. Аммо вақт ва имкон йўқ. Атиги бир ярим ой умри қолган Уйбоши фарзандлари олдида ҳар қанча ўзини қучли қилиб кўрсатишга уринса-да, хасталик кун сайин хотира ва қувватини емира бошлади. Умрининг сўнги дақиқаларида оила бошлиғи жисмоний кучсизлиги сабаб бошқаларга тобе бўлиб яшайди. Айниқса, ҳаракатдан тўхтаб, руҳан сиқилади, меҳрга тўла кўзлари билан ўғлини қаттиқ бағрига босгиси келади, қизининг сочларини силаб эркалашни истайди. Аммо шу оддий иш ҳам унинг учун



имконсиз. Бир сўз билан айтганда, фильмда фарзандлари катта бўлишини қўришни истаётган отанинг изтироби ёрқин ва ҳаётий рангларда акс эттирилган. Шунга қарамай, камбағал оиланинг бошига тушган дард оила аъзоларини руҳан бир-бирига яқинлаштириб, бу хонадонга тотувлик ва хотиржамлик ҳам олиб келди. Фильм томошабинни бир фожиа ичига солиб қўядики, ундан чиқиб кетиш қийин кечади. Қаҳрамоннинг айниқса, ўзига жонажон уйи олдида гўр қилдириб, “Мени шу ерга кўминглар”, деб жой излаб юрган саҳналари жуда таъсирли ва ҳаётий. Қизининг отаси кўзи олдида сўниб бораётгани, ҳатто ўз яқинларини эслаб олмайгани ачинарли. Қаҳрамон руҳиятидаги аламзадалик, ҳаётга ва тақдир азалга нисбатан норозилик кайфияти кишини руҳий изтироб исканжасига солиб қўяди. Умрининг сўнги дақиқалари эса жуда тезлик билан ўтиб бормоқда. Ҳар бир қаҳрамонда ўзгача психологик тўнтарилар бор. Масалан, Франкнинг қизи Лили отасиз қандай яшашини ўйлаб эзилса, ўғли Мика

атрофида нималар юз бераётганини тушунамаса ҳам, дадасидан айриладигани қалбдан ҳис этади. Аёли Симона фарзандларини қандай катта қилиш ҳақида, эрини йўқотаётгани, ўзининг дунёдаги энг бахтсиз аёл эканидан эзилади.

Фильмни кўрар экансиз, томошабин ҳам қаҳрамондек ўзини қучсиз, ҳаёт зарбалари олдида ожиз ҳис этади. Лекин қаҳрамонни бир лаҳза бўлса-да, ҳаётга бўлган ташналик туйғуси тарқ этмайди. Унинг умиди қабригача боради. Ҳаёт эса ҳамиша ҳам эрталардагидай яхшилик билан тугайвермайди. Фильм томошабинга бир томондан ҳаётнинг нақадар ўткинчи, шафқатсиз эканини исботласа, иккинчи томондан ҳар бир они-мизни мазмунли ўтказиш ва яқин инсонларимизга меҳр-муҳаббат улашиб яшашга ундайди.

Сўнги ҳулоса эса — инсон шундай яшаши керакки, ўтган умрига назар солганида, ҳеч қандай армон ва афсусларга ўрин қолмасин...

Одина ҚУЛМУРОВА

## БОЛАНГИЗНИ КИМГА ИШОНЯПСИЗ?

**“Кўшни худудда яшаётган Кўшмурод аканинг невараси кудуққа тушиб кетганмиш”, деган нохуш хабар зумда бутун овулга тарқалди...**

Маълум бўлишича, эр-хотин икки боласини кекса онасига ташлаб, хорижга ишлагани кетган экан. Хархаша қилган неварасини бироз ўйнаб келгин, дея бувиси кўчага чиқариб юборибди. Кеч тушибди ҳамки, боладан дарак бўлмабди. “Хозир келиб қолар, қаерга ҳам борарди”, деган ўйда бувиси телевизордаги сериалларга андармон бўлибди. Аммо вақт ўтгани сайин хавотирланиб кўни-кўшнисиникини дараклабди ҳамки, ҳеч қаерда йўқ эмиш. Туни билан бутун маҳалла оёққа туриб болани излашга тушибди. Йўқолган болани кудуқ ичидан топиб олишибди...


Дарҳақиқат, бу воқеа ҳаммани бирдек ўйлантириб, мулоҳазага чорлаши аниқ. Бугун турмуш таъшиллари билан елиб-югураётган замондошларимизга қараб “тирикчилик-да!” деб кўямиз. Халқимизда: “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган нақл бор. Аммо бугун мазкур нақлнинг амалий ифодаси қандай кўринишга эга бўлмоқда? Умид билан вояга етказайтган гулдек фарзандларини ойлар, йиллар давомида қариндош ёхуд етти ёт бегоналарга ташлаб, чет элда пул топаман деб сарсон-саргардон юрган эркак-аёллар йўқми, орамизда? Эътибор беринг, қишлоқ

ёки маҳалламизга четдан келган бегона болани кўрамызу, аммо унинг нима сабабдан бу ерда пайдо бўлгани ёки тақдири билан даяри қизиқмаймиз.

Биламиз, болаларда, айниқса, ўсмирларда қизиқувчанлик, иштиёқ кучли. Ана шу қизиқиш эътибори бегоналарнинг салбий таъсирига тушиб қолиши мумкин. Яширмайлик, бундай ёшлар интернет оламига ипсиз боғланиб, кўп вақтини компьютерлар қаршида ўтказмоқда. Агар ота-она тарбияда сергак ва зийрак бўлмаса, миллатимизга ёт бўлган турли ғоялар болалар онгига раҳна солиши ҳеч гап эмас.

— Эримнинг тайинли иши бўлмагани сабабли, икки яшар болани онамникида қолдириб, дугоналарим билан хорижга ишлагани кетдим, — дейди Гулнора деган аёл. — Бегона юртда нон топиб ейиш осон эмас экан. Бир кафега ишга кирдим. Дастлаб жуда қийналдим. Боламни, уйимизни соғиниб кечалари йўғлаб ҳам олардим. Кейин ишга ўйғиб кетдим. Ойлик маошимни эримнинг номига жўнатиб турдим.

Бошлигимиз бўш ўтирган одамни ёқтирмасди. Шунинг учун унинг кўз олдида дам олмасликка уринадик. Бир куни мижоздан буюртма олаётсам, нариги столда эримнинг синфдоши ёши катта бир аёл билан ўтирган экан. У мени кўриши билан юзини тескари ўгириб олди. Мен ҳам парво қилмай, ўз



ишимни давом эттиравердим. Шу куни кечаси эрим телефон қилиб, мени хиёнаткорликда айблади ва тезда уйга қайтишимни буюрди. Раҳбаримиздан кунлик иш ҳақимни олиб уйга қайтдим. Билсам, эримнинг синфдоши ўзининг аёлига бўлган хиёнатини яшириш учун турмуш ўртоғимга мени ёмонлабди. Хиёнат қилмаганлигимга уни базўр ишонтирдим. Мўмай пул топаман деб ўз оиламдан ажралишимга бир баҳя қолди...

Рўзғорни бутлаш, болаларни зориктирмасдан ўстириш, яхши яшаш, яхши даромад топиш ҳамманинг мақсади ва моддий эҳтиёждир. Аммо бориға қаноат этиб, шуқур қилиб яшашга келганда иккиланамиз. Ўзгаларга баъзан ҳавас, баъзан ҳасад ила боқиб, шароитимиздан нолинамиз. Тўғри, моддий эҳтиёж билан бирга маънавий эҳтиёж ҳам ҳаётий заруратдир. Қушнинг икки қаноти мисол, бу иккисини бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Аммо пул топиш илинжида болаларни қаровсиз қолдираётган оналарни оқлаб бўлармикан?.. Ахир, вақтида берилмаган тарбия кун келиб, аянчли оқбатларни келтириб чиқариши мумкин-ку!

Фарзанд тарбияси оилада шаклланади. Боланинг кўнгли бут бўлиб улғайиши учун энг аввало, оилада тотувлик бўлиши, ота-она ўз фарзанди олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этмоғи керак.

**Феруза НУРУЛЛАЕВА,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси.



### ЭНГ КИЧКИНА МАЙМУН



**“Cebuella pygmaea”** деб номланувчи мартишка дунёдаги энг кичкина маймун саналади.

Бу миттвойнинг бўйи 11-15 см. келади. Аммо думи танасидан узунроқ — 17,2-22,5 сантиметргача бўлади. Бу жонивор бармоқдан сал каттароқ бўлганлиги учун оддий халқ уларни “бармоқ-маймун” деб номлаган. Уларнинг одатдаги маймунлардан фарқлашида кичкина эканлигидан ташқари, яна бир жиҳат борки, думини қора рангли жунлар халқасимон шаклда ўраб туради. Бу маймунчаларнинг ургочилари эркакларидан сал каттароқ бўлади.

### ВУЛҚОН КЎЛИ

Курраи заминнинг аҳолиси энг кўп яшайдиган худудиди ҳам ҳалихануз кашф этилмаган, табиатан мўъжизавийликка дахлдор маконлар учраб туради. Ана шундай мўъжизалардан бири бу — тубсиз кўл бўлиб, у “Африка жавоҳири” ҳисобланишиш Угандада, Қиролича Елизаветанинг Миллий боғи худудиди жойлашган.



Альбертина Рифт (“рифт” — ер қобиғидаги улкан чўкма) чўнқир Африканинг энг баланд (масалан, баландлиги 4,5 км. бўлган Вирунга тоғ тизмаси) тоғлари билан ўралган. Қачонлардир отилган вулкон сўниб, совиғач, ўрнида кратер ҳосил бўлган ва сўнгра у сув билан тўлиб, чуқурлиги 1500 метрни ташкил қилувчи дунёдаги энг чуқур, тиниқ сувли, гўзал кўллардан бирига айланган.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

“Оила ва жамият” газетаси жамоаси таҳририят ходими Саидғани Сайдалимовга акаси

**САИДВАЛИ** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

### “ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ” ЖАМОАСИ

ҳар шанба, якшанба кунлари ўзбек циркининг юлдузлари, халқаро ва мамлакатимиз мукофотлари совриндорлари иштирокида катта цирк дастурларини намойиш этмоқда.

Махсус дастур асосида тайёрланган томошалар Тошкент Давлат циркининг моҳир акробатлари, кўзбойлогичлари, ҳайвон ўргатувчилари, масхарабозу қизиқчилари ҳамда дорбозлари иштирокида намойиш қилинади.

**Муҳтарам ота-оналар! Маза қилиб ҳордиқ чиқаришни, фарзандларингиз қувончига шерик бўлишни истасангиз, марҳамат, ажойиб томошалардан иборат дастурларимизга ташриф буюринг!**



**Мурожаат учун телефонлар:**  
244-35-94, 244-35-91.  
“ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ”  
маъмурияти.

Хизматлар лицензияланган


**Муассислар:** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуну учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириш вақти — 15:00. Босишга топирилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



**Бош муҳаррир:**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАОБОВ**

Саҳифаловчи — **Ақбар ШОДИЕВ**  
Мусаҳҳиллар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ,**  
**Қамола АДАШБОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 4475. Баҳоси келишилган нархда.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08